

„Восток-3“дан кейин космосга яна бир кема—„Восток-4“ учирилди. Баҳодир халқимизнинг содиқ фарзандлари Андриян НИКОЛАЕВ ва Павел ПОПОВИЧ ўртоқларнинг парвози муваффақиятли давом этмоқда.

№ 160 (2193).

13

АВГУСТ
ДУШАНБА
1962 ЙИЛ

БАҲОСИ
2 ТИҶИНИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

ТАСС АХБОРОТИ

Кемада 19,990 мегагерц частотада ишлайдиган «Сигнал» передатчиги ҳам бор.
Космонавт Николаев ва Попович ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда).

КОСМОНАВТЛАР ХАБАР БЕРИШМОҚДА

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

Совет халқиға, Совет Иттифоқи Коммунист партияси Марказий Ко- митетиға, СССР ҳукуматига, Ўртоқ Никита Сергеевич Хрущёвга маълум қиламиз.	Топшириққа мувофиқ, бир- биримизга яқин масофада группа тарзида учмоқдамиз. Кемалар орасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Кемалар- нинг системалари жуда яхши ишლაмоқда.
---	--

Совет космонавтари НИКОЛАЕВ
ПОПОВИЧ

1962 йил 12 август, соат 12-30 минут.

Н. С. ХРУЩЕВНИНГ «Восток-3» космик кемаси бортига радиограммаси

У р т о қ Н И К О Л А Е В Г А

Сизнинг овозингизни эшитиш ва телевизор экранидан Сизни кўриш билан жуда хурсанд бўдидик. Гарчи Сиз космосда Ердан жуда узоқ масофада бўлсангиз ҳам бизнинг аjoyиб техникамиз Сизни жуда яқиндан кўриш имконини берди. Сизни ёнимизда тургандек ҳис этдим. Биз Сизнинг мардонанов овозингизни эшитдик, қақнаб турган кўзларингизни, қўл ҳаракатларингизни кўрдик, қандай ишлаб турганлигингизни

Мен ва менинг ўртоқларим — Марказий Комитет Президиуми ва ҳукумат аъзолари тез орада совет юртимизда Сиз билан қучоқлашиб кўришишимизга аминман.

Н. ХРУЩЕВ.

1962 йил, 11 август.

Н. С. ХРУЩЕВ КОСМОНАВТ А. Г. НИКОЛАЕВ БИЛАН РАДИОТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СЎЗЛАШМОҚДА
ВА УНИНГ ИШИНИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ КУЗАТИБ ТУРИБДИ

Алла инча ботлар.

Инки ўтадаг гал бошлангани олдидан «Восток-3» кемаси бортдан қабул қилинган телеграммани Н. С. Хрушчевга топширдилар. Телеграммادا бундай деҳилди:

«Восток-3» кемасининг парвози муваффақиятли ўтаётганилини С.С. КППС Марказини Комитетини, Совет ҳукумати ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга маълум қилман. Кемадагилар барча система-ларга нормал ишлаб турибди, совет халқига самимий, саломчигани топ-

шодил фарзанди, яна бир қаҳрамон космонавт Андриян Григорьевич Николасов овозини эшитида. Никита Сергеевич космонавт учув-чининг гапларини эътибор билан тинглайди. Космонавт учувчи Ер юзидан қандайдир баландлигидан жузғач ўчиб бора ётди. Ер-дан телефон оқалиги галлашди, Олимлар, инженерлар, техниклар, кишиларнинг дада хоҳир бўлган вақиллар бениҳоя шоду хурсанд. Ана шу сўнда телефон аппарати етдида тугдан ҳамма кишиларнинг қалиб- халқон ва шодлик тугди.

— «Восток-3» космик кемасининг командири совет космонавти майор Николаев маълум қилади, телефон орқали таълишнинг таъмом бўлди. Телевидение установаларининг экранларида зағғори чироқ порлайди. «Восток-3» кемаси кабинасининг янги томони шу зағар яхши кўринадики, космо-

— Дарҳақиқат, ҳамма нарс
жудо аниқ кўриниб турибди. Мен,
хатто, бош журналидаги ёзувлар
ни ҳам ўқийман. Совет Иттифоқи
гербин кўриб турибман. Мана,
ўрқоқлар, — деб кудимсраб сўзи
ни давом эттирибди Никита Серг
еевич, — вазисизлик қонунин ҳам
амалда

— Дарҳақиқат. У, иродати мард, индилий одам, Шундай одамларгина космос қаҳрамонлари бўладилар!

Экранлардаги чироқлар ўчадى. Космик кема тобора кўздан узоклашади. У, ер шарининг атрофини кўб марта айланиб ўтади. Ер шарини ҳар сафар айланиб ўтиш — жуза кўп илмий нузатишлардан, янги кашфиётлардан ва аввалги кашфиётларнинг тўғрилигини тасдиқлашдан далолат беради, совет

ашаган ва ҳозир бўлган кишилар
қосмаовнинг ишнин кузатиб тур-
ган залда бир неча минут сукунат
ҳисси суради. Шундан кейин улар-
нинг ҳаммадони Нигита Сергее-
вич Хрущевани кизгин табрик-
лайдилар. шундай пайтларда бар-
ча совет кишилари, бутун жаҳон-
даги барча ёшларимиз қилгани-
ни эфир-бирлирини кутайдилар.
Нигита Сергеевич олимларимиз,
инженерларимиз, техникларимиз,
ишчиларимиз, ёшларимизнинг
тўғисинда ҳозирги пайтга қос-
монда А. Г. Николевнинг ўз ке-
масини қосмосда парвоз қилдири-
шига ёрдам бераётган кишилар
ҳақида, коммунизм кураётган, Ва-
тинимизнинг кудратини ўз меҳна-
ти билан ошираётган кишилар ҳа-
қида санимий гаплар айтиди.

Ялта, 11 август.
(ТАСС махсус мухбири).

КОСМОНАВТЛАР ЭСТАФЕТАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТАСС АХБОРОТИ

(Боши биринчи бетда).

Космонавт майор Николаев ўз кемасини топшириққа мувофиқ бошқара бориб, «Восток-4» йўлдош-кеманининг парвозини иллюминаторда кўрганлигини хабар қилди.

11 август Москва вақти билан соат 19 гача «Восток-3» йўлдош-кемаси Ер атрофини 5 марта айланиб чиқди, шу вақт ичида 200 минг километрдан ортиқ масофани учиб ўтди.

Космонавт ўзини яхши ҳис қилмоқда, томир уришининг тезлиги 78 ва 92 атрофида, нафас олиш тезлиги 12-20 атрофида.

Учиш программасига мувофиқ, космонавт ўртоқ Николаев боғлаш системасини ечиб қўйди, курсидан турди ва кабина ичида бемалол юрди. Рестибуляр аппарати функциясининг бузилиши сезилмади. Космонавт иштакдаши жуда яхши эканлигини хабар қилди.

Координатция — ҳисоблаш марказига мунтазам келиб тураётган ахборотни ишлаб чиқиш натижасида кеманинг орбитаси аниқланди. 11 август соат 19 гача бўлган ҳолатига кўра, «Восток-3» кемаси орбитасининг элементлари қуйидагича эди: айланиш даври 88,32 минутни ташкил этди, кеманинг Ер сатҳидан максимал узоклашиши 234 километрга ва минимал узоклашиши 180 километрга барабар бўлди, орбитанинг экватор текислигига оғиш бурчаги 64 градус 59 минутни ташкил этди.

Телеметрик ахборотни қабул қилиш давом эттирилмоқда. Бу ахборот кема бортидаги аппаратлар ва агрегатларнинг пухта ишлаётганлигидан далолат беради. Кабинада ҳаво температураси, босими ва намлигининг белгиланган режими сақланмоқда. «Восток-3» йўлдош-кема билан радио орқали икки томонлама доимий алоқа қилиниб туримоқда ва кема Совет Иттифоқи территорияси устидан учиб ўтган пайтда телевизион система орқали космонавтнинг сурати қабул қилинмоқда.

Йўлдош-кеманинг ҳаракати ва майор Андриян Григорьевич Николаевнинг ўзини қандай ҳис қилаётганлиги тўғрисида бундан кейинги ахборотлар марказий радио орқали мунтазам эшиттириб турилади.

Ичида космонавт учувчи майор Андриян Григорьевич Николаев бўлган «Восток-3» йўлдош-кемаси 11 август Москва вақти билан соат 22 гача Ер атрофини етти мартадан ортиқ айланиб чиқиб, шу вақт ичида 300 минг километрга яқин масофани учиб ўтди.

Майор Николаев Ер шарининг турли районлари устидан учиб ўта туриб, Ватанимизнинг ва социалистик мамлакатларнинг халқларига, шунингдек Африка, Латин Америкаси ва АҚШ халқларига салом йўллади.

Космонавт учувчи Николаев космик фазода парвоз қилган ўн ярим соат давомида хилма-хил ва мураккаб вазифаларни бажарди: кемадаги системалар ва агрегатларнинг ҳолатини систематик суратда кузатиб борди, бортидаги аппаратларнинг айрим узелларини коррекциялаш ва сошлаш ишларини Ердан берган кўрсатмаларга мувофиқ бажариб турди, бортидаги иллюминаторлар орқали визуал кузатишлар олиб борди. Бунда космонавт оролларни, дарёларни, кўлларни, шаҳарларни ва аҳоли яшайдиган пунктларни аниқ кўриб турди.

Радио ва телевидение ёрдамида кема билан доимий алоқа қилиб турилди. Соат 20-40 минутда йўлдош-кема Москва устидан учиб ўтди. Уша вақтда космонавтнинг телевизион сурати бевосита кема бортидан марказий телевидение орқали кўрсатилди. Ўртоқ Николаев ўзи олиб бораётган кузатишларнинг ҳамма натижаларини борт журналида қайд қилди. У уч марта овқат еди: соат 12-20 минутда ноғишта қилди, соат 15 да тушки ва соат 21-50 минутда кечки овқат еди. Космонавтнинг овқатланиши учун биринчи марта натурал маҳсулотлар истеъмол қилинди.

Учиш программасига мувофиқ, космонавт кемани икки марта қўл билан бошқарди. Бунда кеманинг ориентацияси нормал амалга оширилди.

Космонавт вазнсизлик шароитидаги иш қобилиятини тадқиқ қилиш мақсадида курсидан чиқди ва кабина бўйлаб юрди. Ўртоқ Николаевнинг хабар беришича, бундай шароитда иш қобилияти сақланиб қолади.

Космонавтнинг берган ахборотларига ҳамда телеметрик ўлчовларнинг маълумотларига кўра, кема кабинасидаги шароит бутун парвоз давомида нормал бўлган. Ер атрофини еттинчи марта айланиб бўлаётганда температура цельсия бўйича 23 градусга, босим 1,1 атмосферага, ҳавонинг намлиги 70 процентга барабар эди. Космонавт ўртоқ Николаев ўзини яхши ҳис этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

2-БЕТ, 13 АВГУСТ, 1962 ЙИЛ.

Космонавт ўртоқ Николаев кечки овқатдан кейин соат 22 да учиб программасига мувофиқ ухлашга ётди.

«Восток-3» йўлдош-кеманинг парвози ҳақида бундан кейинги маълумотлар 12 август эрталаб берилади.

«Восток-3» йўлдош кема ўз парвозини муваффақиятли давом эттирмоқда. Космонавт учувчи майор Николаев, ҳамма ишлар жуда соз бораётир; белгиланган программа тўла бажарилмоқда, деб хабар қилди.

Ўртоқ Николаев Жанубий Америка устидан учиб ўта туриб, Латин Америкаси халқларига табрик йўллади.

Космонавт тоғларни, тош йўлларни ва дарёларни аниқ кўраётганлигини хабар қилади.

«Восток-3» космик кемасидаги ускуналарнинг ҳаммаси пухта ишламоқда; космонавт ўзини жуда яхши ҳис этмоқда. Йўлдош кема кабинасидаги температура цельсия бўйича 24 градусга барабар.

«Восток-3» космик йўлдош кемаси парвозини давом эттирмоқда. У 12 август Москва вақти билан соат 5 гача Ер атрофини 12 мартадан кўпроқ айланиб чиқди ва ярим миллион километрдан ортиқ масофани учиб ўтди.

Космонавт ўртоқ Николаев учиб программасига мувофиқ, 11 август соат 22 дан 12 август соат 5 гача ухлади. Уша вақтда бортидаги приборларнинг иши автоматик суратда амалга оширилди ва контроль қилинди. Айни вақтда ухлаб ётган космонавтни ўзини қандай ҳис қилаётганлиги ҳам контроль қилиб турилди.

Ўртоқ Николаев уйқудан турганидан кейин соат 5 да радио орқали Ер билан алоқа боғлади ва ўзини яхши ҳис этаётганлигини, бортидаги ҳамма нарса жойида эканлигини ва иккинчи кунга белгиланган программ тадқиқотларни бажаришга киришганлигини маълум қилди. Космонавт билан алоқа давом этмоқда.

«Восток-3» космик йўлдош кемаси 12 август Москва вақти билан соат 7 гача Ер атрофини 13 мартадан кўпроқ айланиб чиқди ва ўз парвозини муваффақиятли давом эттирмоқда. Йўлдош кеманинг ҳамма системалари нормал ишламоқда. Кабинадаги температура цельсия бўйича 18 градусга барабар.

Телеметрик маълумотларни ишлаб чиқиш космонавт ўртоқ Николаевнинг тинч ухлаганлигини кўрсатди. 11 август соат 22 дан 12 август соат 5 га қадар космонавтнинг томир уриши 60—65 ўртасида, нафас олиши тезлик ва чуқурлик жиҳатидан бир текис бўлди. Уйқудан тургандан кейин тез орада томир уриши 80—90 гача тезлашди. Космонавт зарядкадан кейин ноғишта қилди.

Ўртоқ Николаев ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда. У космик кемадаги агрегатларнинг иши ҳамда белгиланган тадқиқотлар программасининг бажарилиши тўғрисида аниқ, тинч ва батафсил хабар қилмоқда.

Ичида космонавт майор Николаев бўлган «Восток-3» йўлдош-кемаси 12 август Москва вақти билан соат 10 гача Ер курраси атрофини 15 мартадан кўпроқ айланиб чиқди. Йўлдош-кема космосда 22 соат давомида 630 минг километр масофани учиб ўтди. Учиш белгиланган программага тамомила мувофиқ равишда нормал ўтмоқда. Кабинада температура, ҳавонинг босими ва намлиги нормал. Никита Сергеевич Хрущевнинг табриги космонавт ўртоқ Николаевни гоёт руҳлантириб юборди ҳамда унинг қабида ўзига «Восток-3» космик йўлдош-кемасида бу тарихий парвоз имкониятини берган Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чуқур ташаккур ҳисларини тўғдириди.

Космонавт Николаев бардам, куч-ғайратга тўлиб-тошган ҳолда белгиланган программани бажаришни давом эттирмоқда. Программага мувофиқ, 12 август соат 7 дан соат 10 гача бўлган вақт асосан ҳар хил илмий-тадқиқотлар, физиологик тажрибалар ва психологик синовлар ўтказиш учун ажратилган эди. Ўртоқ Николаев программада белгиланган топшириқларнинг ҳаммасини муваффақиятли бажармоқда. Координатция ҳисоблаш марказининг берган маълумотларига кўра, «Восток-3» йўлдош-кемаси орбитасининг элементлари 12 август соат 10 да қуйидагича бўлди: айланиш даври 88,28 минут, Ер сатҳидан максимал узоклашиши 231 километр ва минимал узоклашиши 179 километрни ташкил этади. Обьектив медицина маълумотлари космонавтнинг жисмоний ҳолати яхши бўлганлигини кўрсатади. Космонавтнинг кайфияти тетик. Ўртоқ Николаев Ер билан гаплашганида сўнги янгиликлар билан қизиқмоқда. Жумладан, у футбол бўйича СССР кубоги учун кеча Москвада бўлиб ўтган финал матчининг натижаларини хабар қилишни сўради.

Космонавт «Шахтёр» командасини ғалаба билан табриклади. «Восток-3» йўлдош-кемасининг парвози давом этмоқда.



Суратда: космонавт-дўстлар Герман Титов ва Андриян Николаев Титовнинг рафиқаси Тамара билан Германиянинг парвози вақтидаги хотираларини ўқиб ўтмоқда. И. Смергенев ва С. Баранов фотоси.

УЧ КОСМОНАВТ СУҲБАТИ

«Восток-4» йўлдош-кемаси орбитаси аниқланди билан, у космонавт радиотелефон орқали сўзлашмоқда.

Майор Николаев «Восток-3» кемасининг бортидан: — Ҳамма иш жуда соз бораётир. Гибралтар, яхши ишталмоқда. Кайфият жуда яхши.

Подполковник Попович «Восток-4» кемасининг бортидан: — Буларларро Ерни кузатишмоқда. Ўшар томондан дронора осирини кўришмоқда. Кўриб туришмоқда. Кайфият жуда соз.

Ҳамма иш жуда яхши бораётир. Ерда дийдор кўришгунча хайр! Космонавт Николаев ва Поповичлар космик кемаларнинг групп тартида биринчи марта муваффақиятли парвоз этиши билан бир-бирларини табриклайдилар.

Подполковник Гагарин (команда пунктидан): — Жуда соз, дўстлар. Сизларни табриклаймиз! Ерда дийдор кўришгунча, хайр!

«ВОСТОК-3» БОРТИДАН ТЕЛЕВИЗИОН ЭШИТТИРИШ

МОСКВА. 11 август. (ТАСС). Москва вақти билан соат 20-40 минутда СССР Марказий телевидениеси бевосита «Восток-3» космик кемасининг бортидан махсус телевизион эшиттириш берди. Уша пайтда учинчи совет космонавти Андриян Николаев Москва устидан учиб ўтаётган эди.

Миллионлаб телекўрашчилар космонавтнинг жилмайган юзини кўрдилар. Унинг борт журналини қўлида ушлаб тургани аниқ кўринди.

Бевосита «Восток-3» космик кемасидан олиб берилган телевизион эшиттириш уч минут давом этди.

БУТУН ЖАҲОН ОЛҚИШЛАМОҚДА

«Восток-3» космик кемаси тўғрисида чет элларда баён этилган фикрлар

ХИТОЙ

ПЕКИН. 11 август. ТАСС мухбири М. Яковлев хабар беради. Хитой Халқ Республикаси Марказий халқ радиостанцияси бугун кечки сўнги ахборотини «Совет Иттифоқида «Восток-3» кемаси Ер атрофи орбитасига чиқарилди. Космонавт учувчи Андриян Николаев» деган хабар билан бошлади.

Синьхуа агентлигининг телеграф аппаратлари ТАСС ахбороти олингандан кейин дарҳол бу аjoyиб янгиликни эълон қилди. Вақт жуда кеч бўлишига қарамай, Хитой пойтахтининг кўчалари одамлар билан гавжум. Биз шаҳар аҳолиси билан гаплашайтирмиш. Радиони эшитган кишилар ичига Совет Иттифоқи граждани Андриян Николаев тушган «Восток-3» космик кемани учирилганлигини қизғин шарҳламоқдалар.

Яхши хабар! Яна бир буюк воқеа! Жуда соз! — дейишди пекинликлар.

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. 11 август. (ТАСС). АҚШ давлат департаменти расмий баёнотида совет космонавти А. Г. Николаевга муваффақиятли парвоз қилишини ва эсон-омон ерга қўлишини тиллади, деб хабар беради Ассошиейтед пресс агентлигининг мухбири.

Бу баёот СССР ҳукуматининг совет космонавти хавфсизлигига таъхид тўғйириши мумкин бўлган янги синовларини ўтказишдан тийишга даъват этиб, АҚШ ҳукуматига қилган мурожаатига жавоб тариқасида эълон қилинди.

Қўшма Штатлар, дейилади давлат департаментининг баёнотида, совет космонавтига бирор хижатдан халатин бериши мумкин бўлган ҳеч қандай ҳаракатларни мўлжалламайди.

Космонавт П. Р. Поповичнинг учиб олтидан қилган баёноти

Менинг асос дўстларим ва ўртоқларим «Восток-3» космик кемаси негизини орбитасига чиқарилди. Космонавт учувчи Андриян Григорьевич Николаев бу меним бошқармоқда.

Бутун ана бир совет космик кемаси спартида турибди. Бу кемани учувчи ўзини эълонлаш меним ишнинг ташкириди.

Мен бутун космосда коммунистнинг истиқбол йўлини очиб бораётган ушун совет ҳарбийнинг учиб астойиб фидолигига қилди космосга парвоз қилганим.

Йўлдошлар тилим янги, тўғйирича парвоз халқароликнинг космосини тинчликни мансаламиз бундан бўйи ҳам ўзлаштириш ишига қўшган навабдаги ҳисоси бўлсин.

Менинг «асновий биродарларим» космосга биринчи бўлиб йўл очдилар. Ҳозирги пайтда «Восток-3» кемаси ана шу трассалардан парвоз қилмоқда, унинг натижани мен ҳам ноинот бўлишларини тобора ўзлаштириш учун сафарга чиқаман.

Мен парвоз қилишга тайёрган ва коммунистга муносиб тарзда парвоз қиламан.

Дийдор кўришгунча хайр, азиз дўстлар!

КОСМОНАВТ П. Р. ПОПОВИЧ

Павел Романович Попович 1930 йил 5 октябрда Киев обласида Узин посёлоксидан ишчи оиласида туғилди. Миллати украин. Аввало мактабда, кейинчалик эса, Бела Церковдаги хунаў ўқув юртида таълим олди. Бу ўқув юртини тамомлағач, Магнитогорск индустриал техникуминга кирди. 1951 йилда техникумин тамомлаб, курувчи-техник ихтисосини эгаллади.

П. Р. Попович Совет Армияси сафида хизмат қила бошлади. Ҳарбий авиация ўқув юртида шуғулланди. Бу ўқув юртини тамомлагандан кейин ҳарбий-ҳаво кучлари қисмларида хизмат қилди. У — ҳарбий учувчидир.

1945 йил март ойида ВЛКСМ сафига қабул қилинди. 1957 йил июнь ойидан берли КПСС аъзоси.

1961 йилда ҳукуматнинг топширигини муваффақиятли бажар-

ганлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Космонавт уйланган. Рафиқаси Мария Лаврентьевна Васильева (никоҳдан кейинги фамилияси Попович) 1931 йилда туғилган. Ихтисоси учувчи, ҳозирги вақтда ҳисоби-техник бўлиб ишламоқда. Қиз Наташа 6 ёшда.

Отаси Роман Порфирьевич Попович 1905 йилда туғилган, Киев обласининг Узин посёлоксидан ишламоқда. Ониси Феодосия Касьяновна Попович 1903 йилда туғилган, уй-руҳдор иши билан банд. Ониси Мария Романовна 1927 йилда туғилган, синглиси Надежда Романовна 1944 йилда туғилган, укаси Николай Романович 1946 йилда туғилган, укаси Пётр Романович 1937 йилда туғилган, ҳарбий-хизматчи, лейтенант.

ТАСС мухбири илмий тадқиқот маркази билан телефон орқали алоқа боғлаган пайтда унда «Восток-3» кемасидан берилган сигналларни қабул қилаётган ва А. Г. Николаевнинг овозини эшитиётган эдилар. «Биз — деди ходимлардан бири, — осмондан келаётган бу овозни 25 минут давомида гоёт тўқилганини эшитиб турдик».

АНГЛИЯ

ЛОНДОН. 11 август. (ТАСС). Рейтер агентлиги ТАСС ахбороти-га асосланиб, «Бутун Россия одам бошқарайтган космик кемани учинди ва уни орбитасига чиқарди», деган хабарни гринвич вақти билан соат 10 да (Москва вақти билан соат 13 да) «Молния» рус-ривиси остида эълон қилди. Агентлик навабдаги хабарларини тўхтатиб қўйиб, ТАСС ахборотининг айрим қисмларини эшитишга бошлади ва учинчи совет космонавтининг номини хабар қилиб, А. Г. Николаев ўзини яхши ҳис этаётганлигини ҳамда кемани орбитасига чиқариш даврини ва вазнсизлик ҳолатига ўтишни қўйқарди ўтказганлигини таъкидлади.

Редактор ўринбосари И. СУЛАЙМОНОВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриятнинг босмаҳонаси. Р. 01091, Нашр. Г. 1656.